

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ
ТАШКИЛОТЛАРИДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ
ЎРГАТИШ БЎЙИЧА МЕТОДИК
ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ
ВАЗИФАЛАРИ, МАЗМУНИ ВА
ШАКЛЛАРИ**

*Тухтасинов И.М.
Исакулова Н.Ж.*



Калит сўзлар;

инглиз тилини ўргатиш,
методик ишлар, метод, ўйин,
психологик аспект

*п.ф.д.,
СамДЧТИ ректора
ф.ф.д., УчДЖТУ профессора*

Аннотация



мақолада мактабгача таълим ташкилотларида инглиз тилини ўргатиш бўйича методик ишларни ташкил қилиш вазифалари, мазмуни ва шакллари берилган.

Сўшти йиллардаги таълим-тарбия мазмуни, шакли, восита ва методларини янгилашга эътибор бериш мактабгача таълимда инглиз тилини ўргатишга оид инновацияларни излаш, уни таълим-тарбия жараёнига, тарбиячиларнинг педагогик фаолиятига киритиб бориш имконияти беради. Педагогика йўналишида татбиқ қилиниши лозим бўлган муҳим масала борки, у ҳам бўлса педагог-тарбиячиларнинг педагогик жараёнига замонавий усуллар асосида мақсадли, тизимли ва натижаларни башорат қила олиш орқали методик жиҳатдан тўғри ташкил этишлари лозим. Педагогик технология назариясининг муҳим жиҳати ҳар бир педагогнинг ўз имконияти даражасида, шунингдек, мактабгача ёшдаги таълим олувчиларнинг ўзига хос хусусиятларини ипобага олган ҳолда, ўқув фаоллигини ошириш мақсадида таълим жараёнида интерфаол методлардан самарали фойдалана олиш билан белгиланади.

Мамлакатимизда ўсиб бораётган авлодни соғлом ва ҳар томонлама етук вояга етказиш, таълим-тарбия жараёнига самарали таълим ва тарбия шакллари ҳамда усулларини жорий этишга қаратилган мактабгача таълимнинг самарали тизимини ташкил этишнинг кенг қўламли ишлар амалга оширишмоқда.

Мактабгача таълим - бола шахсини соғлом ва етук, мактабда ўқишга тайёрланган тарзда шакллантириш мақсадини қўзлайди. Бу таълим олти-етти ёшгача оқлада, болалар боғчасида ва мулк шаклидан қатъи назар, бошқа таълим муассасаларида олиб борилади [1]

Ўзбекистан Республикаси "Мактабгача таълим ва тарбия тугрисида"ги қонунининг 10-бобида мактабгача таълим ва тарбия тизимининг илмий-услубий таъминоти, мактабгача таълим ва тарбия тизимини илмий-услубий жиҳатдан таъминлаш вазифалари берилган. Шунингдек, 52-моддада эса мактабгача таълим ва тарбия тизимининг илмий-услубий таъминотини қуйидагилар амалга оширади:

Ўзбекистан Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ва унинг тасарруфидаги илмий-услубий муассасалар;

Ўзбекистан Республикаси Фанлар академияси, тегишли тармоқ илмий-тадқиқот муассасалари ва олий таълим ташкилотлари;

Мактабгача таълим ва тарбия тизикшнинг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш институтлари (курслари) [2]

Мактабгача таълим ташкилотлари инглиз тили машғулотларида ўрганилаётган мавзу мазмунига мос методик ишларни ташкил этиш муспақил фикрлашга ундайди, тал ўрганишга қизиқишини уйғотади. Урганишга қизиқиш эса билимларни пухта ўзлаштириш гаровидир. Амалиётда инглиз тилини ўргатиш мазмуни мактабгача таълим ташкилотларида жуда қисқа ва осон сўзлардан, жумлалардан бошланади, мазмунни тушунишни эса ўргатиш содда, қулай ва зарур кўргазмалилик асосида олиб борилиши барчамизга маълум,

Мактабгача таълим ташкилотларида инглиз тилини ўргатишнинг илмий-услубий жиҳатдан таъминлаш вазифалари қуйидагилардан иборат:

инглиз тили машғулотлари жараёнига шпор педагогик ва ахбороттехнологияларини жорий этиш;

мактабгача таълим ташкилотлари учун инглиз тилида ўқув-услубий ва дидактик материаллар ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқариш;

мактабгача таълим ва тарбия соҳасида инглиз тилини ўргатиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш.

мактабгача таълим ва тарбия соҳасида инглиз тилини ўзлаштиришнинг замонавий услубларини иштаб чиқиш ва жорий этиш;

мактабгача таълим ва тарбия соҳасида инглиз тили машғулотларига жорий этиладиган таълим услублари ва дастурлари самарадорлигини таҳлил қилиш ҳамда баҳолаш

Инглиз тилини ўргатишнинг замонавий инновацион педагогика технологиялари, шакллари ҳамда усулларини ўқув-тарбия жараёнига жорий этиш соҳасида қуйидагиларга эътибор берилди:

инглиз тилини ўргатишда инновацион жараёнларни ривожлантириш, жорий этиш ва мувофиқлаштириш;
инглиз тилини ўргатиш ва ўзлаштириш сифатини баҳолаш натижаларини таҳлил қилиш;
инглиз тилини ўргатишнинг ташкилий ва педагогика шакллари ҳамда усулларини ишлаб чиқиш;
ўргатишнинг замонавий илгор шакллари, шли педагогика ва ахборот технологияларини ўқув-тарбия жараёнига жорий этиш;

инглиз тилини ўргатиш борасидаги замонавий халқаро тажрибани ўрганиш, умумлаштириш ва мактабгача таълим муассасалариниш' таълим-тарбия жараёнига жорий этиш

мактабгача таълим соҳасида инглиз тили мутахассисларипипг халқаро тажрибасини ўрганиш

Мактабгача таълим муассасасида инглиз тилида ривожлантирувчи му хитин ташкил этиш болаларнинг ўзига ва ёшига дойр хусусиятлари ва эҳтиёжларини ҳисобга олиш муҳимдир *Ривожлантирувчи муҳит мазмуни* қуйидагилардан иборат:

инглиз тилини ўргатишнинг кўргазмали-ривожлантирувчи муҳити мазмуни содда, қизиқари ва турли мавзуларга мўе бу.тиши,

муҳл мазмуни инглиз тилини ўргатишда боланинг муваффақиятли ижтимоий мослашувига ёрдам бериши;
ривожлантирувчи ўйинлар ва ўйитгочлардан фойдаланиши;

инглиз тилининг дастлабки асосларига тайёрлаш;

инглиз тилини ўргатишда бадиий-эстетик ва мусикий тарбия соҳасида тўлақонли камол топтириш.

Ўзбекистан Республикасининг "Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида"ги қонуннинг :

умумий турдаги мактабгача таълим ташкилоти учун;

кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилоти учун;

инклюзив гуруҳларга эга мактабгача таълим ташкилоти учун;

қўшма турдаги мактабгача таълим ташкилоти учун.

Ўзбекистан Республикасининг "Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида"ги қонуннинг Мактабгача таълим ташкилотларидаги гуруҳлар уларда болаларнинг бўлиши давомийлигига қараб инглиз тили мазмуни лингвопсихологик омил хусусиятлари асосида таилаш лозим (1 -жадвалга қаранг):

1-жадвал.

Мактабгача таълим ташкилотларидаги гуруҳлар завом нii. turn

№	Гуруҳлар	Гуруҳлар давомийлиги	Лингвопсихологик омил	Лингвопсихологик омил хусусиятлари
1	болгар киска вақл бўладиган гуруҳлар	3-4 соат	импринтинг	хотирада тез эслаб қолиш ва нутк фаолиятида қўллай олиш
2	тулик купли гуруҳлар	9. 10,5 соат	иммитациои	такидчанлик, бирор киши ёки бирор нарсани таклид қилиб такрорлаш
		12 соат	сензетив	инсон кўринь сезиш, англаш, ҳис қилиш ёрдамида теварак-а'грофдаги нарса ва воқеа-ҳодисалар тўғрисида тушунчага эга бўлади. хиссий идрок
3.	болалар кечаю кундуз бўладиган гуруҳлар		мотивацион	нутқий фаолият кўрсатишга мойиллашган шайлик, ички туртки, нутк майли

Чет тилларни ўйин орқали ўргатиш мактабгача ёшдаги болаларнинг тил ва профессионал тайёргар.тик даражаси сифатини ошириш билан боғлиқдир. Бунда фаол даражада ўқитиш жуда муҳим йўналиш ҳисобланади Бу эса тил ўрганувчида анъанавий методикага нисбатан юқорирок бўлган мустақил ўрганиш, уни фаолият ва .мулоқот объекти позициясидан субъект позициясига ўтишини таъминлайди. Бундай усуллардан бири ўқ'в жараёнида ўйинлардан фойдаланиш усули ҳисобланиши мумкин [4; 8].

Ўйинларнинг амик бир тури, таснифи мавжуд эмас. Кўп ҳолларда ўйинларни таълим мазмуни билан боғланган ҳлда танланади, масалан, сенсор қабул қилишга оид ўйинлар, филология ўйинлар, табиат билан танмпптиришга оид ўйинлар ва бошқалар [4; 9] Ком-муникатив ўйинлардан фойдаланиб. инглиз пешни ўргаташ тавсия этилади (2-жадвалга қараш):

2-жа F-.

Коммуникация ўйинлари

№	Коммуникатив ўйинлар	Ўйин қоида
1.	Head and shoulders	Бошловчи ушбу қўшиқни болалар билан бирга айтади ва қўшиқни қуйида давомиди қўшиқдаги ҳар бир сўзга мувофиқ ҳаракатлар бажарилади Macasss. бош, елкалар, тиззалар ва оёқларга қўл теккизилади
2	Сўзни айт	Бошловчи чет тилида сўз айтиб иштирокчиларга қоптоқни отади ва болалар пив сўзни такрорлайдилар

Мактабгача таълим ласс аса. la pit ia, ^лимтякшм мактабларнда на пил таъ.пн] муассасаларнда чет тил. тар уқн i iiliinit« и		
3	I can see	Столга бир нечта ўйинчоқ ҳайвончалар қўйилади. Болалар кўзларини юмадилар ва шу пайт ўйинчоқ ҳайвончалардан бири беркитиб қўйилади Болалар қайси ҳайвонча беркиниб олганини ва қайси ҳайвончалар қолганини айтиб беришлари керак
4.	Simon says	Болалар ўқитувчини ёнига турадилар (ёки ўйин бошловчисини ёнига турадилар). Болаларнинг вазифаси ўқитувчи бераётган кўрсатмани (буюр) бажаришдан иборат Ўқитувчи Simon says.../Simon sagt ../ Simon dit. иборасини айтади, кейин қуйидаги кўрсатмани беради: Hands up! Sit down! Jump! Run! /Lebt die Hdпйе!. Setzt euch!. Springt! Lziuft! / Levez les mains!. Asseyez-vous! Sautez! Conrezl ва хоказо. Агар ўқитувчи Simon says . /Simon sag! / Simon dit . . иборасини айтмаса кўрсатма бажарилмайди
5	My family	Болаларнинг ,ар бир бармоғига қўғирчоқлар кийдирилади (“Ташки қўриниш” мавзуси ўтилганда болалар ўзлари бармоққа кийиладиган қўғирчоқларни яшашлари мумкин). Болалар бармоқларини кўрсатган ҳолда чет тилида шеърни ўқийдилар: This is my mother.....
6.	Комплимент	Болалар бир-бирларини қўлларидан ушлаб дойра ҳосил қиладилар Ёнларидаги қўшниларига қараб бир нечта яхши сўзларни айтадилар, бирон нарса учуй миниятдорчилик билдирадилар: You are my friend., You are very good., Your eyes are kind./Du bist mein Freund., Du bist selir gut, Deine Augen sind selir schnn./ Vous Ktes mon ami, Vous Ktes tins bon, Vos yeux sont aimables ва бошқалар. Мактов (комплимент) айгилаётган бола эса қуйидагича жавоб қайтаради: Thank you/Danke зсбцп/ Merci!
7	Икки қўғирчоқ	Ўйинда иккита гуруҳ ишлрок этади. Уларга қўғирчоқларни кийинтириш вазифаси берилади ва кийинтириш жараёнида болалар кийимларни номини чет тилида айтишлари керак бўлади. Масалан: She has a blouse on. She has a dress on. She has a skirt on./ Sie hat die Bluse an. Sie hat das Kleid an. Sie hat den Rock an/ Elie a «КОМПЛИМЕНТ» ЎЙИПИ «ИККИ ҚЎҒИРЧОҚ» ЎЙИНИ 18 tine blouse. Elie a une robe Elie a tine jupe ва бошқалар Энг куш жумлаларни тўлри луза олган гуруҳ алаба қозонади
8	Ҳайвонот боғида	Болалар ҳайвонлар рўлини ўйнайдилар Ўйинда иштирок этаётган қамма болалар доира бўлиб стулда ўтирадилар. Ўқитувчининг (ўйин бошловчисининг) ўпг томонидаги стул бўш қолдирилади. Ўқитувчи ўйин сўзларини айтиб ўқувчилардан бирини исмини айтиб қақиради. Исми айтиб қақирилган бола ўқитувчидан қайси ҳайвон тимсолида унинг ёнига бориши кераклигини сўрайди ва ўқитувчи айлтан ҳайвон тимсолида ўқитувчининг ёнига бориб ўтиради Ўйин шу тарика давом этади. Ўйин мусика садоси остида олиб борилиши ҳам мумкин

Хулоса қилиб айтганда, инглиз тилини ўқиғиш жараёнида ўқув ўйинлари ёки ўйин тарзидаги машқлардан фойдаланиш катта аҳамиятга эга бўлиб, ўйинлар чет тилларни бошланғич босқичда ўқитишнинг энг самарали усулларидан бири саналади ва ўйинлар болаларда чет тили коммуникатив кўникмаларини шакллантиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистан Республикасининг Таълим тўғрисида Қонуни // Баркамол авлод - Ўзбекистан тараққиётининг пойдевори. - Тошкент: Шарқ, 1997, - Б. 2-29.
2. Ўзбекистан Республикасининг Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида Қонуни // Қопунчилик палатаси томонидан 2019 йил 22 октябрда қабул қилинган, Сенат томонидан 2019 йил 14 декабрда маъқулланган
3. Денисова Л Г Использование игровых элементов на начальном этапе обучения английскому языку // Ин яз вшк -№4 - С 26-27.
4. Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва бошланғич мактаб ўқувчиларига чет тилини ўргатишда ўйинлар Коммуникатив ўйинлар тўнлами - Тошкент. 2016. - 72 б